# ЁШЛАР ТАЬЛИМ ОЛИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Абдуллаев А., Нияметов А., Атаджанов Б.**
Ургенч давлат университети

Инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўзининг Конституциявий мақсади деб билган Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртбошимиз раҳбарлигида мазмун-моҳиятига кўра мутлақо янги кўринишдаги таълим-тарбия тизимини яратишга киришиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро Конституциявий мақсадни амалга ошириш, халқ ва давлатни миллий тараққиётнинг тамоман янги сифат босқичига олиб чиқишнинг энг ишончли ва кафолатли йўли, билим ва тафаккурдир.

Шу боис ёшларнинг таълим олишини кафолатловчи ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деган сўзлар билан ифода этилган. Комусимизнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”, 37-моддасида “Эркин касб танлаш” ҳуқуқига эга. Ҳар бир шахсга “илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади” [1,42-модда] дейилганлиги давлатимизнинг нафақат инсонпарварлигини, балки таълимнинг бош ҳомийси эканлигини ҳам ёрқин кўрсатиб турибди.

1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши [2], Миллий кадрлар тайёрлашнинг замонавий шаклини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга кенг имконият яратди.

Қонунда таъкидланганидек, таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги, таълим стандартлари доирасида билим олишнинг барчага очиқлиги, таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш каби қоидаларнинг муҳрлаб қўйилганлиги унинг давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Жинси, тили, ирқи, миллати, ёши,эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, яшаш жойи, ҳаттоки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақтдан буён яшаётганлигидан қатъий назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқ кафолатланиши, бошқа давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, юртимизда яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлилиги Қонунда акс этганлиги унинг инсонпарвар ва демократик хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Қонуннинг 4-моддасига биноан билим олиш ҳуқуқи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурларига биноан бепул ўқитиш, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш, барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши белгилаб қўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастурининг ҳаётга изчил тадбиқ этилиши туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг нафақат қиёфаси кўркамлашди, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник база мустаҳкамланиб, таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим эгаллаши, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда келажакда муносиб касб танлаш, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралда қабул қилинган “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига асосан барча умумтаълим мактаблари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Ва шу асосда таълим шакли ва мазмунини тубдан яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майда “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси доирасида 2004-2009 йилларда республика бўйича 1,4трлн сўмлик маблағ сарфланиб, 3 млн ўринга эга бўлган 8501та умумтаълим мактабларида турли даражадаги қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди [3].

Давлат дастури доирасида тасдиқланган барча вазифалар ўз вақтида ва ортиғи билан бажарилган бўлсада, мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг қурилиши ва ободонлаштирилиши билан боғлиқ ишлар мунтазам давом эттирилмоқда.жами 1 трлн 538,о млрд сўмга етказилди.

Таълим мазмунини бевосита ўзида акс эттирадиган ўқув дарсликларига юртбошимиз томонидан белгилаб берилган "Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак" деган ғоядан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, дарсликларнинг янги авлодини яратиш, уларни нашр этиш ва ўқувчиларга етказишнинг тизимли механизми яратилиб, ижроси таъминланиши натижасида мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиш даражасида кескин ўзгаришлар амалга оширилди. Таъкидлаш ўринлики, 1991 йилда мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиши 55,4 фоизни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 99,4 фоизга етди. Фақатгина ўтган 2004-2012 йиллар давомида жами 163,5 миллион нусха дарсликлар чоп этилиб, ижара тизими орқали ўқувчиларга етказиб бериш, ўз навбатида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун эса муайян қисм дарсликларни давлат ҳисобидан бепул ажратиш тизими жорий этилди. Биринчи синф ўқувчилари учун эса ҳар йили 12 хил ўқув қуроллари билан бирга барча дарсликлар Президент совғаси сифатида тақдим этиб келинмоқда [3].

Бугунги кунда деярли барча ўрта махсус таълим муассасалари Ziyonet ахборот таълим тармоғига уланган. Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан унинг худудий бошқармалари ўртасида электрон партал алоқа тизими йўлга қўйилган. Академик лицей ва коллежларни оптик толали алоқа тизимига улаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Таълим масканларида ўқувчи ёшларга 117,6 минг нафар педагог-кадр билим ва касб-ҳунар ўргатмоқда.

Европа таълим фонди билан ҳамкорликда изчил амалга оширилаётган миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари асосида касб маҳоратга эга кичик мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган "Миллий малакавий талабларни ишлаб чиқиш" лойиҳаси ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1 минг 554 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси мавжуд. Шундан 143 таси академик лицей, 1минг 411 таси касб-хунар коллежидир. Мазкур таълим муассасаларида жами 1 миллион 639 минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. 2013 йилда ўрта махсус таълим муассасаларига 533 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қабул қилинди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 12 нафар ўқувчиси Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Умуман 2000-2013 йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 67 нафар ўқувчи қизлари ушбу нуфузли мукофотни қўлга киритдилар.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизга билдирилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан ўқувчиларимиз дунё миқёсидаги турли кўрик-танлов ва халқаро фан олимпиадаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, 2013 йил апрел ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпмадаси 2 олтин, 5 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритдилар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жамоаси таркибида халқаро фан олимпиадаларида жами 253 нафар ўқувчи қатнашиб, 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медалга сазовор бўлдилар.

Мамлакатимиздаги ўн битта олимпия захиралар коллежларида спорт мутахассисларини тайёрлаш жаҳон стандартларига мос спорт иншоотлари базасида амалга оширилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида қатнашган ўқувчи ёшлар мамлакатимиз, қитъа ва жаҳон чемпинатларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. 1998-2013 йиллар давомида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 833 нафар ўқувчиси нуфузли халқаро турнирлар совриндори бўлди [4].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда Олий таълимнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент политехника институти базасида Тошкент давлат техника университети, Тошкент халқ хўжалиги институти базасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти ташкил этилди.

1992 йилда вилоятлардаги аксарият педагогика институтлари давлат университетларига айлантирилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Тошкент ислом университетлари, Солиқ академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Миллий рақс ва Хореография Олий мактаби, Навоий давлат кончилик институти каби бутунлай янги Олий таълим даргоҳлари ташкил топди. Самарқанд кооперация институти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига, Тошкент алоқа институти, Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

Давлатимиз рахбарининг 2000 йил 28 январдаги фармонига биноан Тошкент давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди.

2005 йили пойтахтимиздаги иккита тиббиёт институти негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этдили. 2013 йилда Тошкент давлат юридик институти базасида Тошкент давлат юридик университети барпо этилди [5].

Таълим олишнинг яна бир муҳим жиҳати республикамиз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларини эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият берилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда таълим соҳасида жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда дунё таълим стандартларига жавоб берадиган олий таълим муассасалари-Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва Давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети, Инха университетининг филиаллари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [6].

Олий таълим тизимида ҳам кенг миқёсли ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда у бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли тизимни ўз ичига олади.

Ҳозирда мамлакатимизда 60 олий таълим муассасаси, 11та ҳудудий филиаллари ва 7 та хорижий етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда [7].

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида таъкидлаганидек, “Истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки, уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истъедоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз” [8].

Дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган “Инссад” халқаро бизнес мактабининг “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузасига кўра, инновацион тараққиёт даражаси таҳлил қилинган 141 мамлакат орасида Ўзбекистон инсон капиталини ривожлантириш бўйича 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизими сифат даражаси бўйича эса республикамиз иккинчи ўринни банд этган [9].

Бу бежиз эмас. Зотан, мустақил Ўзбекистон болалари янгидан қурилган ёки капитал таъмирланиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мактабларда, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва Олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Етук халқаро ташкилотлар экспертларининг фикрича бундай шарт-шароитларни ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларида ҳам учратиш мушкул.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади [10].

2012 йил 16-17 февралда Тошкентда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатимизни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида Республикамизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, Олий ўқув юртларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланган самарали моделни юксак баҳоладилар, бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин деган хулосага келдилар.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлда Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга асосан “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом” тасдиқланди. Унга кўра, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари томонидан мамлакатимиз олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётганларга таълим кредитлари ажратиш белгилаб қўйилди.

Ушбу қарорнинг 3 бандида кўрсатилганидек, чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз таълим кредитлари берилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари эса кредит учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда ҳисобланган сумманинг фақат 50 фоизини тўлайди. Қолган 50 фоизи эса Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Ушбу кредитлар Олий таълим муассасасининг бакалавриатга қабул қилинган талабаларга 10 йил, магистратурага қабул қилинганларга 5 йил муддатга берилади [11].

Маълумки ушбу муддатларда олинган кредитларнинг қайтарилиши оила бюджетига катта таъсир кўрсатмайди ва талабанинг ўзи ўз даромади асосида кредитни қайтариш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда олинган таълим кредитларидан фойдалангани учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди. Бу ҳам таълим кредитлари бўйича ёшларимиз учун яратилган имтиёз бўлиб, олинган кредитлар учун тўланадиган фоизлар суммасини камайтиришга қаратилган. Қолаверса, ёшларга ва уларнинг ота-оналарига янада енгилликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ фуқароларнинг

солиқ солинадиган иш хақи ва бошқа даромадларининг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таълим олишга йўналтириладиган суммаларига даромад солиғи солинмайди.

Ёшлар тарбияси-кенг қамровли иш. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси замонавий билимларни чуқур англаш билан бирга, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан етук, улуғ-аждодлар меросидан миллий ва умуминсоний қадриятлардан бахобар уларга оғишмай амал қиладиган, жамият олдидаги ўз масъулиятини тўғри тушунган, иродаси мустаҳкам, имони бақувват бўлиши керак. Бу фазилатлар бир-бирини тўлдириши, бири иккинчисига пойдевор бўлиши, яъни таълим ва тарбия жараёнлари бир-бирига ҳамоҳанглик касб этиши лозим.

Ёшлар бугун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, бошқарувда илм-фан, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида етакчи мавқега эга бўлиб турибди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Дунёда "Ўзбек модели" деб тан олинган мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча ғурурланиб, фахрланиб гапирсак арзийди, албатта"[12].

АДАБИЕТЛАР


Узбекистон республикасининг конституцияси. Тошкент " Узбекистон" 2013 йил

Узбекистон республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва «Кадрлар тайерлаш Миллий дастури тўғрисида»ги конунлари. Т.1997 йил

Миллий тикланиш 2013 йил 21 август

Маърифат. 2013 й. 27 ноябр

Маърифат. 2013 й 4 декабр

Узбекистон овози 2013 й 3 декабр

Халк сози 2012 й. 5 май

Каримов И А. юксак маънавият-йегилмас куч.Тошкент маънавият. 2008й

Халк сози . 2013 й. 14 декабр

Узбекистон овози. 2013 й 3 декабр

Узбекистон овози. 2014 й. 30 октябр

Каримов И.А. Узбекистон укитувчиларга ва мураббийларига. Маърифат. 2014й 1 октябр

Жуманазарова, Г. (2011). ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ЛЕКСИКАСИНИНГ АРАБИЙ ҚАТЛАМИ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 123-126.

Хакимниязов, Ж., & Хожаниязов, Ғ. (2011). АРХЕОЛОГИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС КУСХАНА. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 58-61.

Сейтимбетов, М. (2011). ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИЕ РАБОТЫ И СТРОИТЕЛЬСТВО ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ КУНГРАД-БЕЙНЕУ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 66-69.

Кудияров, А. (2011). ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВЛИ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ГОРОДЕ ЧИМБАЕ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 61-63.

Арзиева, Б. (2011). ИЗ ИСТОРИИ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1930-1936 гг. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 11(1-2), 81-84.

Жолаева, Р., Туреева, К., & Мамбетуллаева, С. (2011). ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ НЕКОТОРЫХ АДАПТАЦИОННЫХ СИСТЕМ У ДЕТЕЙ, ПРОЖИВАЮЩИХ В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 11(1-2), 31-33.

Ережепова, Г., & Авезова, Р. (2011). ИССЛЕДОВАНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ГЕМОГЛОБИНА В КРОВИ У ЖЕНЩИН, ПРОЖИВАЮЩИХ В РАЗЛИЧНЫХ РАЙОНАХ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 32-33.

Хакимниязов, К. (2011). О НЕОБХОДИМОСТИ СОПОСТАВИТЕЛЬНОГО ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1930-1941 ГГ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 13(3-4), 69-71.

Баллиева, Р., & Хожаметов, Г. (2012). ВЛИЯНИЕ ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРИАРАЛЬЕ НА СОЦИАЛЬНУЮ СТРУКТУРУ И ОРГАНИЗАЦИЮ СЕМЬИ КОНЦЕ XIX В И НАЧАЛЕ XXВ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 15(1-2), 63-66.

Досжанова, Г. (2010). ИСТОРИЯ ИНТРОДУКЦИИ И КОРНЕВАЯ СИСТЕМА ВИДОВ РОДА CATALPA SCOP. В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 9(3-4), 25-27.

Айтмуратов, Ж. (2013). ҚАРАҚАЛПАҚ МУЗЫКА ӨНЕРИНИҢ ДӘСТҮРИЙ ҮЛГИЛЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 87-95.

Жоллыбекова, И. (2013). СОТРУДНИЧЕСТВА РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН ПО ВОПРОСАМ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЗДОРОВЬЯ ЛЮДЕЙ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 95-99.

Каипназаров, А. (2013). РИСОВОДСТВО И ЭКОНОМИКА КАРАКАЛПАКСТАНА В 1960-Е ГОДЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 99-103.

Караманова, Г. (2013). ИВ САВИЦКИЙ АТЫНДАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК КӨРКЕМ ӨНЕР МУЗЕЙИ: ТӘЖИРИЙБЕ ҲӘМ МАШҚАЛАЛАР. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 103-108.

Реймов, Қ., & Қыдырниязов, З. (2013). ТОПЫРАҚ ҚАЛА-ӘЙЙЕМГИ МӘДЕНИЯТЫМЫЗДЫҢ ТИРЕГИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 108-112.

Нажимов, М. (2013). ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 112-116.

Айтмуратов, Ж. (2013). ҚАРАҚАЛПАҚ МУЗЫКА ӨНЕРИНИҢ ДӘСТҮРИЙ ҮЛГИЛЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 87-95.

Палуаниязов, П. (2013). ҚАРАҚАЛПАҚ ФИЛАРМОНИЯСЫ ТАРИЙХЫНАН. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 120-122.

Сейтимбетов, М., Серикбаев, Ж., & Серикбаев, Н. (2013). ӘМИЎДӘРЬЯ СУЎ ЖОЛЫНЫҢ ХОРЕЗМ ОАЗИСИНИҢ ТРАНСПОРТ–КОММУНИКАЦИЯ СИСТЕМАСЫНДА ТУТҚАН ОРНЫ (XIX әсир). *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 122-125.

Уразбаева, Р., & Елмуратов, И. (2013). ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДА ОРТА АРНАУЛЫ КӘСИПЛИК БИЛИМЛЕНДИРИЎДИҢ РАЎАЖЛАНЫЎЫ ҲӘМ ЖАСЛАРДЫҢ БӘНТЛИГИН ТӘМИЙИНЛЕЎ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 131-135.

Уразбаева, Р., & Кочкарова, Э. (2013). ОСНОВНЫЕ ЗАКОНЫ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 135-139.

Уразбаева, Р. (2013). ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ ОБРАЗОВАНИЯ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *19*(1-2), 125-131.

Хожаниязов, Г., Юсупов, Н., Кдырниязов, М. Ш., Туребеков, М., Авизова, А., & Багдасарова, Н. (1989). Археологические исследования в некрополе Миздахкан. *Вестн. Каракалпакского филиала АН Узбекской ССР*, (3), 182.

Хожаниязов, Г., & Хакимниязов, Ж. (1993). Городище Даукескен-Вазир.

Туребеков, М., Хакимниязов, Ж., & Утепбергенов, Ф. (2002). Работы Кунградского отряда. *АИУ-2001.–Тошкент*.

Khodjaniyazov, G., & Khakimniyazov, J. (2004). Beautiful seven monuments of Karakalpakstan.

Ходжаниязов, Г., & Хакимниязов, Ж. (2004). Семь прекрасных памятников Каракалпакстана.

Torebekov, M. T. Khakimniiazov Zh., Utepbergenov F. 2002. Raboty Kungradskogo otriada. *Arkheologicheskie issledovaniia v Uzbekistane 2001 g.(Archaeological Research in Uzbekistan in 2001)*, 156-157.

Туребеков, М. (1979). Археологическое изучение оборонительных сооружений городища Калаи-Зохоки-Морон. *История материальной культуры Узбекистана*, (15), 68-75.

Хожаниязов, Г., Юсупов, Н., Кдырниязов, М. Ш., Туребеков, М., Авизова, А., & Багдасарова, Н. (1989). Археологические исследования в некрополе Миздахкан. *Вестн. Каракалпакского филиала АН Узбекской ССР*, (3), 182.

Туребеков, М. Т., & Алимбетов, А. К. (2000). Раскопки городища Бограхан.

Торебеков, М. Т. (2001). Раскопки городища Багдад-кала в дельте Амударьи. *Вестник Вестник Каракалпакского Отделения АН Республики Узбекистан*, (3), 80-84.

Туребеков, М. Т. (2003). Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана. *Археология Приуралья. ВыпУГ/Под ред. Хожаниязов Г., Жаксон С., Беттс А. Нукус*, 67-79.

Туребеков, М. (2004). Исследования городища Бограхан. *АИУ—2003 г.—Тошкент*.

Туребеков, М. Т. (2013). Археологические исследования городище Бограхан. *Марказий Осиё хал^ лари тарихи манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари» мавзудаги Республика*, 336-342.

Бердимуратова, А. К. (1993). Проблемы экологического кризиса в Приаралье (социально-политический аспект).

Бердимуратова, А. К. (1999). Обострение экологического кризиса в среднеазиатском регионе (на материалах Приаралья). *Философия и общество*, (2).

Кощанов, Б., & Сейтназаров, М. Указ. соч-С. 16.

Кощанов, Б. А., & Сейтназаров, М. (1919). Революция.

Кощанов, Б. А. (1992). *Размножить как закрытое письмо* (No. 3, p. 130). Информационный доклад" АК Досназарова в ЦК РКП (б)(20.10. 1924)/БА Кощанов//Вестник ККО АН Руз.

Кощанов, Б. А. (1993). Право на вторжение.

Камалов, С., & Кощанов, Б. (1993). Каракалпакстан тарийхы.

Кощанов, Б. А. (1994). *Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг. Доктрина и реальность* (Doctoral dissertation, Ин-т рос. истории).

Камалов, С. К., & Кощанов, Б. А. (1996). Проблемы истории XX века. *Вестник ККО АН РУз*, (2), 76.

Кощанов, Б. А., & Джумашев, А. (1997). Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. *Нукус: Каракалпакстан*, 1919-1920.

Кощанов, Б. А., & Джумашев, А. (1997). Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. *Нукус: Каракалпакстан*, 1919-1920.

Кощанов, Б. А., & Джумашев, А. (1997). Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. *Нукус: Каракалпакстан*, 1919-1920.

Кощанов, Б., & Сейтназаров, М. (1997). Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве в 1919-1920 годах.

Базарбаев, Р. Ж., & Кощанов, Б. А. (2010). Репрессии в Каракалпакстане в 1930-1936 годы. *Молодой ученый*, (7), 209-211.

Базарбаев, Р. Ж., & Кощанов, Б. А. (2010). Кадровая политика РСФСР в Каракалпакстане в 1930-1936 гг. *Молодой ученый*, (7), 205-209.

Кощанов, Б. А. (2012). Актуальные вопросы изучения взаимоотношений религии и власти в Каракалпакстане (1917-1941 гг.). In *Ислам в мультикультурном мире* (pp. 168-185).

Кощанов, Б. А. (2014). Историческая наука Каракалпакстана на современном этапе: обретения и проблемы. *Историческая наука в контексте интеллектуального развития Центральной Азии (очерки историографии и источниковедения)/отв. ред. д. и. н. ДА Алимова*, 56.

Жоллыбекова, И. Б., & Базарбаев, А. М. (2014). МЕЖДУНАРОДНЫЕ АКТЫ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН ПО ВОПРОСАМ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ ЛЮДЕЙ. *Zbiór raportów naukowych.*, 32.

Бердимуратова, А., & Каражанова, Р. (2012). ВЛИЯНИЕ РОСТА ЦЕН НА ТОВАРЫ ПЕРВОЙ НЕОБХОДИМОСТИ НА ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *15*(1-2), 33-38.

ЖОЛЛЫБЕКОВА, И. Б. (2011). Международные культурные связи и сотрудничество в области науки, техники и образования Республики Каракалпакстан. *Научная жизнь*, (3), 93-95.

Жоллыбекова, И. Б. (2012). Международное сотрудничество средних и высших специальных учебных заведений Каракалпакстана в научно-технической сфере и в подготовке кадров. *Вестник развития науки и образования*, (1), 67-70.

Бекниязов, Б. (2014). ХОРАЗМШОҲЛАР-АНУШТАГИНЛАР ДАВРИ ШАҲАРЛАРИ ҲАҚИДА ЁЗМА МАНБАЛАР. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 64-68.

Жоллыбекова, И., & Кочкарова, Э. (2014). ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 68-71.

Караманова, Г., Турсынбекова, С., & Даўлетназарова, Г. (2014). МУЗЕЙ ШӨЛКЕМЛЕСТИРИЎДЕ АРХЕОЛОГИЯЛЫҚ ҚАЗЫЎ ИСЛЕРИНИҢ ӘҲМИЙЕТИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 71-75.

Кдырниязов, М., Алимбетов, А., & Шныкеев, Ж. (2014). ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ЖИЛИЩ НА ТЕРРИТОРИИ ДРЕВНЕГО КАРАКАЛПАКСТАНА (К вопросу о генезисе жилищ археологических культур). *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 75-81.

Уразбаева, Р. (2014). К ИСТОРИИ ТРАДИЦИОННОЙ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 87-92.

Қодиров, Қ. (2014). ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯЛАШ ТАРТИБИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 81-87.

Әлеўова, Р. (2014). ҚЫДЫРНИЯЗ ШАЙЫРДЫҢ СИЯСИЙ-ҲУҚЫҚЫЙ КӨЗҚАРАСЛАРЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *22*(1), 58-61.

Najimov, M., & Abdullaeva, B. (2014). KONSTITUTSIYAMIZG'A KIRGIZILGEN O'ZGERIS HA'M QOSIMSHALARDIN'ERKIN DEMOKRATIYALIQ JA'MIYET QURIWDAG'I TUTQAN ORNI. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 96-99.

Алламуратова, С. (2014). ТРАДИЦИОННАЯ КУЛЬТУРА В СОЦИАЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ МОЛОДЕЖИ КАРАКАЛПАКСТАНА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 79-80.

Аметов, А., & Базарбаев, Б. (2014). ШАХСҚА ЗОРЛЫҚ ИСЛЕТИП ИСЛЕНЕТУҒЫН ЖЫНАЯТЛАР ТҮСИНИГИ ҲӘМ ОНЫҢ БЕЛГИЛЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 83-86.

Матирзаев, У., & Эгамбердиев, Э. (2014). ЖОКАРГЫ КЕНЕС–ВЫСШИЙ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЙ ОРГАН РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 86-90.

Нажимов, М. (2014). ЕРЖЕТПЕГЕНЛЕРДИҢ ҚАРАЎСЫЗЛЫҒЫНА ҚАРСЫ ГҮРЕС БОЙЫНША НЫЗАМЛАРДЫҢ ОРЫНЛАНЫЎЫ ҮСТИНЕН ПРОКУРОР БАҚЛАЎЫН ӘМЕЛГЕ АСЫРЫЎ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 93-96.

Реймова, З., & Эгамбердиев, Э. (2014). ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 99-102.

Сулаймонова, Н., & Сулаймонова, К. (2014). ҲАЁ–ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ АСОСИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 102-104. Утемуратова, Ш. (2014). ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА БУ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 104-107.

Қутлымуратов, Ф., Тлеумуратов, М., & Исмаилова, З. (2014). МИЙНЕТ ҲУҚЫҚЫНДА ЖУМЫССЫЗЛЫҚ ТҮСИНИГИ ҲӘМ ОНЫҢ ҲУҚЫҚЫЙ СЫПАТЛАМАСЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 86-90.

Әлеўова, Г. (2014). ӘЖИНИЯЗДЫҢ СИЯСИЙ-ҲУҚЫҚЫЙ КӨЗҚАРАСЛАРЫНДА ХАН ҲӘМ БИЙЛЕР МӘСЕЛЕСИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *23*(2), 73-79.

Иматов, А., Исмаилова, З., & Бегжанова, Г. (2014). ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДА ПАРЛАМЕНТ ҚАДАҒАЛАЎЫН ЖЕТИЛИСТИРИЎДИҢ АЙЫРЫМ МӘСЕЛЕЛЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 50-52.

Кутыбаева, Е., & Иматов, А. (2014). ПАРЛАМЕНТСКИЙ КОНТРОЛЬ КАК СПОСОБ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 52-54.

Матмуратов, Б. (2014). САЙЛАЎ НЫЗАМШЫЛЫҒЫН БУЗҒАНЛЫҚ УШЫН ЖУЎАПКЕРШИЛИК. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 54-56.

НАЖИМОВ, М. (2014). ЕРЖЕТПЕГЕНЛЕР ТӘРЕПИНЕН ИСЛЕНГЕН ЖЫНАЯТЛАР БОЙЫНША ЖЫНАЯТ ИСИН ҚОЗҒАТЫЎ ҲӘМ ТЕРГЕЎ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 56-59.

Танирбергенов, С., & Бегжанова, Г. (2014). МУСТАҚИЛЛИКДАН КЕЙИНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 59-60.

Ҳакимниязов, К. (2014). ҚАРАҚАЛПАҚСТАН САЛЫ ИЛИМИЙ-ИЗЕРТЛЕЎ ИНСТИТУТЫ ТАРИЙХЫНАН. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 60-63.

Әлеўова, Г. (2014). ӘЖИНИЯЗ ҚОСЫБАЙ УЛЫ ИНСАН ҲӘМ ИНСАН ҲУҚЫҚЛАРЫ ҲАҚҚЫНДА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *24*(3), 45-50.

Алламуратова, С. (2014). ВЛИЯНИЕ ИНТЕРНЕТА НА СОВРЕМЕННУЮ МОЛОДЕЖЬ КАРАКАЛПАКСТАНА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 66-68.

Бердимуратова, А. (2014). ҲӘЗИРГИ ЗАМАН ГЛОБАЛЛАСЫЎ МАШҚАЛАЛАРЫ: ҚӘДИРИ ҲӘМ ҚӘТЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 68-75.

Elmuratov, I. (2014). AKADEMIYALIQ LITSEY H’A’M KA’SIP O’NER KOLLEDJLERINDE REKONSTRUKTSIYA JUMISLARININ’ALIP BARILIWI TARIYXI (1997-2002JILLAR). *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 75-78.

Жолдасбаева, Г. (2014). ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНЫҢ ЗЕРГЕРЛИК ӨНЕРИ ТАРИЙХЫНАН. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 78-81.

Максетова, М. (2014). ТАРИЙХЫЙ ШАХСЛАР ҲӘМ «ЕДИГЕ» ДӘСТАНЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 83-86.

Матжанов, И. (2014). ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ВА СУДЛАНУВЧИНИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 86-88.

Низаматдинов, К., & Бегжанова, Г. (2014). МИЙНЕТ ШӘРТНАМАСЫ ТҮСИНИГИ ҲӘМ АЙЫРЫМ ТҮРДЕГИ МИЙНЕТ ШӘРТНАМАЛАРЫНЫҢ ҲУҚЫҚЫЙ СЫПАТЛАМАСЫ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 88-92.

Реимов, Р. (2014). ЭТИЧЕСКИЕ ИДЕИ И НРАВСТВЕННАЯ ДИДАКТИКА АЖИНИЯЗА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 92-94.

Реймова, З., & Даулетов, Б. (2014). ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ КОММУНАЛ ҲИЗМАТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 94-96.

Якубов, М. (2014). ПРЕЗИДЕНТ ИСЛАМ КАРИМОВТЫҢ “ӨЗБЕКИСТАН ҒӘРЕЗСИЗЛИККЕ ЕРИСИЎ ҚАРСАҢЫНДА” АТЛЫ КИТАБЫНЫҢ ТАРИЙХЫЙ АҲМИЙЕТИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 96-101.

Қутлымуратов, Ф., & Исмаилова, З. (2014). БАЗАР ҚАТНАСЫҚЛАРЫ ШӘРАЯТЫНДА ХОЖАЛЫҚ ШИРКЕТЛЕРИ ҲУҚЫҚЫЙ СТАТУСЫНЫҢ АЙЫРЫМ МӘСЕЛЕЛЕРИ. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 81-83.

Әлеўова, Г. (2014). ӘЖИНИЯЗ ШӘРИЯТ ҲУҚЫҚЫ ҲӘМ ҚАЗЫЛАР ҲАҚҚЫНДА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, *25*(4), 59-63.

*Ссылка для цитирования:*

*Абдуллаев А., Ниятметов А., Атаджанов Б. ЁШЛАР ТАЬЛИМ ОЛИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ // Berdak Nomidagi Korakalpok Davlat Universitetining Ahborotnomasi. 2015. Т.1 №26 С. 56-60*